



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2000 йил 11 август, жума №115 (947)

БЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1991
2000

ЎЗБЕКИСТОННИНГ
Ўз истиқлол ва
тараққиёт йўли бор

ИСЛОМ КАРИМОВ:

Неча бор айтганман ва яна бир бор таъкидлаб айтаманки, ҳар бир ўзбекистонликнинг осойишталиги ва фаровонлиги учун, бахтли ҳаёт кечирishi учун қўлимдан келгунча хизмат қилишга тайёрман.

ЎЗБЕКИСТОН ЯГОНА ВА АЗИЗ ЮРТИМИЗ

Ўзбекистон - улкан имкониятлар мамлакати. Айни пайтда у буюк орзу-умидлар, яқдиллик, ҳамжиҳатлик, биродарлик юрти. Турли миллат вакилларининг энг эзгу ниятларини муштарак этган, шонли тарихга ва буюк келажакка эга бўлган улугвор хонадон.

Биз учун истиқлол - ...ҳар бир фуқароимиз учун - миллати, ирқи ва диний эътиқодларидан қатъи назар - эркинлик, тенглик, биродарлик, муносиб шароит яратиб беришдир.

Мақсадга эришиш учун юртимизнинг барча аҳолиси Ўзбекистонни ягона ва азият юртимиз деб билиши, ўз тақдирини Ватан тақдирини билан узвий боғлаб курашмоғи, меҳнат қилмоғи даркор.

Кўп миллатли мамлакатда ҳар бир миллат ва элат равнақини таъминлаш, миллий анъаналар, урф-одатлар ва маданиятларни ривожлантириш демократик-хуқуқий давлатнинг бебаҳо фазилатидир. Биз ана шундай юксак маърифий жамият қуриш сари бораётган бир пайтда сизларнинг бугунгидек ҳамжиҳатлигингизни қадрлайман.

Республикада фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлики таъминлаш ички ва ташқи сиёсатимизнинг муҳим таркибий қисмидир. Халқнинг бирлиги, жиҳслиги, тинч-тотувлиги бизнинг бебаҳо бойлигимиздир.

Ўзбекистон келажак - буюк давлат. Бу - мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу инсонпарварлик қонунларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳоли, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган давлатдир.

Ўрта Осиё халқлари - ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз, тожик - биз барчамиз бир ота-онанинг фарзандларимиз. Еримиз, сувимизгина эмас, дину иймонимиз бир, қувончу таъшишимиз, тарихимиз ва тақдиримиз бир.

Биз барчамиз - улугвор дарахтмиз. Бу дарахтнинг замон шамол-бўронларидан эсон-омон қолиши бизнинг ўзаро жиҳс, яқдил ва мустаҳкам бўлиб туришимизга боғлиқ.

Халқларимиз орасидаги бу дўстлик ва аҳилликни биз бениҳоя қадрлаймиз. Бу - бизнинг энг катта бойлигимиз, қудрат ва шаън-шавкатимиз манбаидир.

Биз миллатлараро тотувликка эришдик. Оз сонли миллатлар билан ҳеч қандай муаммо йўқ. Ўзбекистоннинг аҳолиси таркибидаги юз миллат ва элат вакиллари она тилларида бемалол таълим олмақда ва диний маросимларни нишонламоқда. Биз фуқаролар ҳақида қонун қабул қилдик. Бу қонун мамлакатда яшовчи барча миллатларнинг ҳуқуқларини шунчаки эълон қилиб қолмасдан бу ҳуқуқларга қаролат ҳам беради.

Биз иқтисодий, сиёсат соҳасида, ижтимоий соҳада, бозорга ўтишда қилаётган ҳама ишларимиз атайлаб миллатлараро, ижтимоий тотувлики таъминлаш билан боғланди. Мен мана шу тотувлик учун, ижтимоий барқарорлик учун ҳама ишни қилишга тайёрман.

Маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қон-қардош қилади. Уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдирини билан шаклланди. Уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бутун бир олам.

ЎЗГАРИШЛАРДАН ДИЛ ЯЙРАЙДИ

Фуқаролар йиғинига раислик қилаётганимизга учинчи йил бўляпти. Бу давр мобайнида кўп ижобий ўзгаришлар юз берди. Мухими, одамларда яхши яшашга, Ватан равнақига ҳисса қўшишга бўлган иштиёқ беҳад ортди.

Кўрғонда 7300 нафардан зиёд турли миллатга мансуб аҳоли истиқомат қилади. Улар 46-автомобил корхона, нон заводи, пахта заводи, электр тармоқлар идораси, ҳудудий поликлиника, 4 та мактаб, боғча, «Ақмал» хусусий ёғ заводи, «Мафтуна» тўқув фабрикаси каби ташкилот ва корхоналарда бир оила аъзоларидек меҳнат қилмоқдалар.

Энг қувонарлиси, мустақиллик йилларида мулкка бўлган муносабат ўзгарди. Одамлар ўз мулкларига эга бўлиб, шу билан бирга меҳр-оқибатли, бир-бирига ҳамқору, ҳамнафас бўлишга ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, Мурод Қурбонов тадбиркор. Даромади ҳам шунга яраша. Туганган фойдасидан муҳтожларга ёрдам беради. Яқинда у 60 нафар қариёни ўз ҳисобидан Аҳмад Ясавий мақбараси зиёратига олиб бориб келди.

Тадбиркор Раҳимжон Умиров хусусий ёғ заводи қурган. Даромадидан муҳтож оилаларга қарашиб туради, шунингдек ўзи ўқиган 3-ўрта мактабни ҳам оталиққа олган. Ҳар йили мактабни тўлиқ таъмирдан чиқаради ҳамда эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандларига ўқув қуроллари, китоблар, кийим-кечак олиб беради. У 47 нафар етим болани ҳомийлигига олган.

Тўқимачиликка ихтисослашган «Мафтуна» ҳиссадорлик жамиятида бир неча йилдан бери иш тўхтаб қолган эди. Жамият маъмуриятининг саъй-ҳаракатлари туфайли Жанубий Кореялик тадбиркорлар билан қўшма корхона ташкил этилди. Бу ерда мустақиллик байрамигача жиҳозлаш ишлари тугатилиб, фабрикада иш бошланади.

Бундан уч йил олдин Алимқент кўрғонига келган киши ҳозир бу ерларни таний олмайдди. Мустақиллик кўчасининг икки томонидаги замонавий-миллий услубда қурилган маъмурий ва турар-жой бинолари дилингизга завқ бағишлайди.

Кўрғонимизда ёшлар тарбиясига катта эътибор берилмоқда. Ҳар битта маҳаллада футбол командаси тузилган. Яқинда марҳум педагог Ҳамроқул Тошпўлатов хотирасига бағишлаб мусобақа ўтказилди. 3-мактабда шу номли стипендия ташкил этилди ва бундан буён аълочи ўқувчиларга минг сўмдан стипендия берилди. Бугина эмас. Артур Григорян номидаги бокс клубимиз ўсмирлар билан доимо гавжум. 40 нафардан ортиқ ёшлар таъкидан клубида шуғулланишди.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқтарғибот ишлари яхши йўлга қўйилган. Маҳаллараро «Ибратли оила», «Энг обод маҳалла», «Ибратли хонадон» кўриқ-танловлари ўтказилди.

Ўтган олти ой давомида кўрғон фуқаролар йиғини томонидан 89 оилага 573 минг сўмлик, шунингдек, 16 ёшгача фарзандлари бўлган 1728 оилага 4 миллион сўмдан ортиқ, 2 ёшгача фарзандлари бўлган оилаларга 1,5 миллион сўм моддий ёрдам берилди.

Республика ҳукумати маҳаллар фаолиятига эътиборни янада кучайтирмоқда. Ва у, азал-азалдан орзу қилганимиздек, тарбия ва таянч ўчоғига айланиб бормоқда.

Ботир ШЕРҚОЗИЕВ,
Оқкўрғон туманидаги
Алимқент кўрғони
фуқаролар йиғини
раиси.

Ҳамкорликдаги корхона

Қоракўл туманида, «Бухоро-Текс» ҳиссадорлик жамиятига қарашли фабрика базасида ташкил топаётган «Қоракўл-Текс» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонасида дастгоҳларни ўрнатish ишлари ниҳоялаб қолди.

Американинг «Делфе» фирмаси билан ҳамкорликда йилга 3800 тонна сифатли ип-калава ишлаб чиқарадиган мазкур қўшма корхона маҳсулотлари истиқлол байрами арафасида истеъмолчиларга етиб боради.

Шаҳарчада янги бозор

Когон туманидаги Кончилар кўрғонида яшовчи беш мингга яқин аҳоли энди бозор-ўчар учун Бухоро ёки Когон шаҳарларига қатнаб юрмайди. Мазкур ҳудудда фаолият кўрсатаётган «Бухорогеофизикаэкспедицияси» акциядорлик жамияти кўрғон аҳли учун деҳқон бозори қуриб фойдаланишга топширди.

Янги бозор расталари 25 ўринли бўлиб, сотувчи учун ҳам харидор учун ҳам барча шароит муҳайё. Асосийси, савдо қилаётган деҳқондан эгалланган раста ўрни учун ҳақ олинмапти. Бу қулайликка жавобан, деҳқонлар маҳсулотларини арзон баҳода сотишмоқда.

ТЕРРОРЧИЛАРНИНГ АСОСИЙ ГУРУҲИ ЕР ТИШЛАДИ

(РЕПОРТАЖ)

САРИОСИЁ. (Ўза махсус мухбирлари Мусулмон НАМОЗОВ ва Чори ТЎХТАЕВ хабар қилади). Вертолётимиз денгиз сатҳидан 4 минг метр баландликда, саркаш Тўполондарё ирмоқлари бошланадиган азим чўққиларни ёнлаб ўчади. Тик ёнбағрлардан пастликка томон оппоқ кўпикка беланган жилғалар чопади.

Чўққиларнинг тик ёнбағридан илон изи бўлиб ўтган сўқмоқ йўл кўзга ташланади. Ундан фақат пиёда ёки отда юриш мумкин. Виктор билан савлат тўқиб турган чўққилар бағрида яшириниш осон. Штурман баланд қояларга ишоралар қилар экан, бу ерларда блок-постларимиз жойлашган, дейди. Йигитларимиз одам ўтиши мумкин бўлган барча сўқмоқларни кечаю кундуз назорат қилиб турибди.

Хамроҳимиз - Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув бош бошқармаси бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Жўрабек Раҳматов қўшимча қилади: «Кўраёқисими, террорчиларнинг барча ўтиш йўллари тўсиб қўйилган. Хатто учаётган куш ҳам аскарларимиз назоратида, дейди ишонч билан. - Террорчилар икки дунёда ҳам воҳага ўтолмайди».

«Аскарларнинг озик-овкати, ўқ-дорисидан хабар олиш қийинчилик туғдирмайтими?» - деб сўраймиз. «Йўқ, деган жавобни эшитамиз. - Шўқрки, имкониятларимиз етарли».

Тамархут сойи ёқасидаги кафтдекгина текисликка - кишлоққа кўнаимиз. Бизни бирпасда аёллар ва болалар ўраб олади. Улар асосан ён атрофдаги кишлоқлардан бу хавфсизроқ ҳудудга кўчириб келтирилганлар. Юқори кишлоқларда эркаклар уйларини қўриқлаб қолишган. Айни пайтда улар аскарлар билан ҳамжиҳатликда тоғдаги киши билмас сўқмоқ йўллари назорат қилишда иштирок этапти.

Вертолётдан озиқ-овқат, палаткалар, кийим-кечак туширилади. Биз билан бирга келган уч врач дори-дармон солинган қути ва қопларни олиб тушади. Улар энди шу ерда қолиб, тоғликларнинг соғлиғига кўзқулқ бўлиб туришади.

«Қандай камчиликлар бор?» - деб сўраймиз одамлардан.

«Аскарларнинг озик-овкати, ўқ-дорисидан хабар олиш қийинчилик ҳам йўқ, дейишадилар. Фақат террорчилар тезроқ йўқ қилинса бўлган.

Вертолётимиз яна ҳавога кўтарилди. Штаб сари йўл оламыз. Биз Тамархутдан қайтганимизча босқинчилар яшириниб ётган дарадаги вазиёт анча ўзгарибди.

10 август куни эрта тонгда ҳарбийларимиз форга жойлашиб олган террорчиларнинг асосий гуруҳига кўққисдан ҳужум уюштирди. Қаллақсарлар уясини қўриқлаб турган жангалар бир зумда қириб ташланди. Ундан ортиқ жангари ер тишлади. Қўллаб қурол-яроғ, ўқ-дори, дори-дармон қўлга олинди. Форга қириб бекинган бошқа террорчилар ҳам махсус қуроллар воситасида йўқ қилиб ташланди. Айни пайтда ўтган кунлар яқсон қилинган қаллақсарларнинг қабрлари топилди. Республика Прокуратураси ходимлари уларнинг шахсини аниқлаш ишларини бошлаб юборди.

Шундай қилиб, террорчиларни йўқ қилиш борасида ишлаб чиқилган операция яқунловчи босқичга қадам қўйди. Тез орада бу тадбир муваффақият билан яқунланади ва террорчилар бутунлай йўқ қилиб ташланади.

Экология журналистларнигоҳида

Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро марказида бўлиб ўтган учрашувда республикада экологик журналистикани ривожлантириш мавзуси муҳокама этилди. Ушбу тадбир Конрад Аденауэр номидаги бокс клубимиз ўсмирлар билан доимо гавжум. 40 нафардан ортиқ ёшлар таъкидан клубида шуғулланишди.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқтарғибот ишлари яхши йўлга қўйилган. Маҳаллараро «Ибратли оила», «Энг обод маҳалла», «Ибратли хонадон» кўриқ-танловлари ўтказилди.

Ўтган олти ой давомида кўрғон фуқаролар йиғини томонидан 89 оилага 573 минг сўмлик, шунингдек, 16 ёшгача фарзандлари бўлган 1728 оилага 4 миллион сўмдан ортиқ, 2 ёшгача фарзандлари бўлган оилаларга 1,5 миллион сўм моддий ёрдам берилди.

Республика ҳукумати маҳаллар фаолиятига эътиборни янада кучайтирмоқда. Ва у, азал-азалдан орзу қилганимиздек, тарбия ва таянч ўчоғига айланиб бормоқда.

Ботир ШЕРҚОЗИЕВ,
Оқкўрғон туманидаги
Алимқент кўрғони
фуқаролар йиғини
раиси.

Оролни кутқариш халқаро жамғармаси вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда Оролбўйидаги экологик ҳолатни ёритиш муаммолари ҳам муҳокама этилди. Германияда минтақа мамлакатларига илмий ва техник ёрдам кўрсатаётган бир неча жамоатчилик ташкилотлари фаолият юритмоқда. Бирок Германия жамоатчилиги Орол денгизи минтақасидаги экологик вазиятдан яхшироқ хабардор бўлганларида эди, Германия Марказий Осиё давлатларига самаралироқ ёрдам қўриши мумкин эди, деб ҳисоблайди Филипп Мойзер.



Бахтинг боқий бўлажак, неварам!

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Мамлакатимизга Латвия Республикаси алоқа вазири А.Горбунов бошчилигидаги делегация ташриф бурди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида савдо-иқтисодий ҳамда илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Латвия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги, иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э.Ғаниев «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболлари» мавзусида маъруза қилди. Шундан сўнг, делегация раҳбари А.Горбуновнинг Латвиядаги ижтимоий-иқтисодий вазият, Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқалари тўғрисидаги маърузаси тингланди.

Ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи мажлиси 1998 йилнинг ёзида Латвияда бўлиб ўтган эди. Бу галги мажлисда ўтган икки йил мобайнида ўзаро шериклик муносабатлари қай даражада ривожлангани таҳлил этилди. Катнашчилар кичик ва ўрта бизнес, молия ва банк тизимлари, транспорт алоқаси бўйича ҳамкорлик истиқболларига оид масалаларни муҳокама қилди. Бу бордаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш зарурлигига эътибор қаратилди.

(Ўза)



МИЛЛАТЛАРАРО ДЎСТЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК

СЕВМАЙ БЎЛАДИМИ ШУНДАЙ ЎЛКАНИ

Мамлакатимизда юз бераётган туб ўзгаришлар, унинг гуллаб-яшнаб бораётгани кўп марта айтилди, айтилмоқда ва шубҳа йўқки, бундан бундан ҳам айтилаверди. Чунки бунга сабаб бор: модомики, мақсад жаҳон ҳамжамиятидан ўзига хос, ўзига мос ўрин олиш экан, иш йўриги ҳам шунга яраша бўлмоғи даркор.

Шу заминда туғилиб, шу ўлкада вояга етган жуда кўпчилигимиз учун тор тупроқ кўчалар, пастркам уйлар жуда таниш ва қадрдондир. Бунинг ҳам ўзига яраша гаши бор. Аммо тан олмоғимиз лозимки, ич-ичимиздан кенг ва равон шоҳкўчалар, барча қулайликларга эга бўлган осмонлар бинолар, дилга хузур бағишловчи фавворалар ва салкин истироҳат боғларига интиқилмоқда. Бугун биз кўз ўнгимизда қад ростлаётган ва кенг қўлам касб этган ўзгаришларга қараб, орзу-умидларимиз амалда бутун буй-баста билан намоён бўлаётганини нафақат кўриб, балки бевоасита иштирокчиси бўлиб турибмиз. Бу ёш давлатимизнинг чиндан-да келажги порлоқ эканлигидан далолат бермоқда.

Энг муҳими ва ўйламанки, энг аҳамиятлиси, бу мустақиллик йилларида Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва элатлар равнақи учун тўла шарт-шароит яратиб қўйилган. «Халқларнинг умумий бирлиги» деб таъриф олган сунъий сифатлар гўё ҳақиқий тусга кириб, ҳар ким ўзлигини кўрсатиши, ўз аъёнлари ва удумлари ила файз киритишдек тенг имкониятларга эга бўлган. Маънавий ва маданий булоқлар кўзи очилиб, ундан барчининг баҳраманд бўлиши мумкин бўлиб қолган.

Республика байналмилал маданият маркази, айниқса, истиқлол байрами арафасида яшнаб кетди. Қадим-қадимларга бориб тақалувчи маънавий-маданий мерос тобора қадр топаётгани ва бунда Ўзбекистон ҳукумати ҳар томонлама ҳомийлик қилаётгани беихтиёр дилларда ширин жунбush уйғотади. Бу туйғу, шубҳасиз, рус маданият маркази учун ҳам хос. Марказ расман

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган рус миллатига ҳар томонлама кўмаклашиш, унга ўзлигини топишда ёрдам қўлини чўзиш мақсадини кўзда тутса-да, амалда юзага қалқиб чиқиши аҳтиمول тutilган ва бутун мамлакат учун ҳаётбахш масалаларни биргаликда ечишга даъват этилган. Чунки ҳозирги мураккаб ўтиш шароитида қўлни-қўлга берибгина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Ўзбекистон кунга тўлган ва халқаро миқёсда обрў-эътибор қозонган сайин унинг ганимлари бевоасита бўла бориши-ни кейинги йиллар воқеалари ҳам тасдиқлайди. Бир мушт бўлсак, бизни ҳеч ким энголмаслигини улар яхши билишади, ҳаммасидан ҳам ўлкаимизда таркиб топган миллатлараро тоғувлик ва дўстлик чўчилади уларни.

Биз яхши биламизки, инсон, у қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар одамийлиги, самимийлиги ва кўнгли очлиги билан эҳтиром топади. Ўзбек халқи авваломбор юқорида мен санаб ўтган сифатларни ўзида мужассан этган ва қандайдир маънода яшаётган бошқа миллат вакиллари ҳам сингиб бормоқда. Бу бизни фақат қувонтиради, эртанги кунга бўлган ишончимизга ишонч ортиради. Рождество, Пасха ва кўплаб байрамларимизда руслар билан бирга ўзбек биродарларимизнинг ҳам иштирок этишлари, самимий қўллашлари бугун ҳеч қандай ажаблантирмайди. Худди шунингдек, Наврўз ва Ҳайитларда бошқа миллат ва элатларнинг ҳам ушбу байрам тантаналари-га сингиб кетишлари, бир дастурхон атрофида ўтириб гурунқ қилишлари эндиликда оддий бир ҳол бўлиб қолди.

Кези келганда бир нарсани таъкидлашни истардим. Мустиқиллик эълон қилинган дастлабки пайтларда ўзбек халқи

учун асрий орзу бўлган бу улуг сана аҳамиятини ҳамма ҳам бирдек тушуниб етган эди, дея олмаймиз. Вақт барчасини жой-жойига қўйди. Айниқса Россия Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга ташрифидан сўнг икки томонлама алоқалар кучайди. Тақдир бизни ўзбек халқи билан абадийга боғлаб қўйганлигини ҳаётнинг



Ўзбекистоннинг кўп миллатли мамлакатга айланиши, аҳолининг таркибидан хилма-хил халқ, миллат ва элатларнинг мавжудлиги узок тарихий жараёнларнинг натижасидир. Маълумотларга кўра, бундан юз йил аввал ҳозирги республикамиз ҳудудида 70 га яқин миллат вакиллари истиқомат қилган. Орадан ўттиз йил ўтгач, бу сон 91 тага, 1959 йили - 113, 1979 йили 123 тага етди. Охириги аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра республикамизда 136 миллат вакиллари яшамоқда.

ўзи синондан ўтказди. Бу эса ишда ҳам, ижодда ҳам ўз акс-досини бермоқда. Кўплаб бадий кўргазмалар ташкил этилаётгани, тўпламлар чиқарилгани, ранг-баранг концерт дастурлари намойиш қилинаётгани, турли клублар фаолият кўрсатаётгани бежиз эмас.

Ушбу Ватан - барчамизники. Қўйма бу фикр турли миллат ва элатлар қалбига жо этилган. Маънавий ва маданий бойликларни авайлаб-асраш, бойитиш, унга ҳар томонлама мадад бериш юзасидан давлат миқёсида қабул қилинган ҳужжатлар ва уларнинг амалдаги ижроси барчамизга, қайси миллатга мансублигимиздан қатъи назар, илҳом бахш этмоқда, ишончимизга ишонч қўймоқда.

Шундай жаннатмакон юртини севмай бўладими ахир!

А.МАРКЕВИЧ,
Ўзбекистондаги Рус миллий-маданий маркази масъул котиби.



Ўтган 9 йил мобайнида мамлакатимизда бўлгани каби менинг тақдиримда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Олим, ҳам амалиётчи сифатида яшаш тарзини, тафаккур мезонини буткул ўзгарди. Авваллари илмий-тадқиқот билангина қифоя қилардим. Мустиқиллик йилларида эса жамоатчилик ишларига ҳам вужудим билан киришдим. Асосий касбинини сидқидилдан бажариш билан бирга татар маданий-оқартув жамоатчилиги маркази бошқаруви раиси сифатида ҳам фаолият юритаётман. Бу марказ, айтиши мумкин, фақатгина мустиқиллик йилларида кенг қанот ёйди. Тошкентда фаолият кўрсатаётган бошқа миллий-маданий марказлар қаторидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Бу йил марказимиз ташкил топганининг 10 йиллигини нишонладик. У татар миллий маданияти, аъёнлари, урф-одатлари, хусусан тилимизнинг равнақи йўлида самарали иш олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшовчи миллатдошларимиз билан ҳам мустиқиллик алоқа боғланган. Барча ишларимизни Татаристон Республикасидаги ушбу марказимиз уфқи кенг. Чимкентдаги Жанубий Қозоғистон татар-бошқирд жамоатчилиги маркази, Чалли шаҳридаги татар жамоатчилиги маркази, Қозондаги ўзбек миллий маркази ва бошқа марказлар билан шартномалар тузганмиз. Унга кўра Татаристон халқ артистлари Мирсаёғи Синга-туллин, Гулзода Сафиуллина, чимкентдаги хонанда Рустам Насиров, Алматы-евск шаҳри маданият саройи бадий ҳаваскорлари Тошкентда концерт бердилар. Ўзбекистон ва Татаристон Республикалари ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага кўра Тошкент ва Қозон

МУҲАММАД ЮСУФ, Ўзбекистон халқ шоири

ХАЛҚ БЎЛ, ЭЛИМ!

Қадим юртга қайтсин қадим наволарим,
Қумлар босиб қуримасин дарёларим.
Алломишга алла айтган момоларим
Рухини шод этай десанг — халқ бўл, элим!..

Кўз ёшларинг айланса ҳам денгизларга,
Қўрғонингни бермай десанг Чингизларга.
Улугбек ном қўйиб кетган юлдузларга
Юзим босиб ўтай десанг — халқ бўл, элим.

Гўрғуллилар қонга ботса ғиротларда,
Кўр ўғиллар юртни сотса хилватларда,
Бобуринг беҳабар ётса хиротларида
Бориб мен уйғотай десанг — халқ бўл, элим.

Куйиб кетди китобларинг қарвон-қарвон,
Синоларинг малҳамига муштоқ — зорман,
Кўксингда ҳам беш асрлик куюк армон —
Навоийга етай десанг, халқ бўл, элим.

Осмон дилинг орзулари турна қатор,
Ота мерос еринг ўзи бир ифтихор.
Останданган ортоб чиқиб, ортоб ботар
Кунларимга қайтай десанг — халқ бўл, элим!..

Қадим юртга қайтсин қадим наволарим,
Қумлар босиб қуримаган дарёларим.
Алломишга алла айтган момоларим
Рухини шод этай десанг — халқ бўл, элим!

ЕЛКАМА-ЕЛКА МЕҲНАТ ҚИЛАМИЗ

шаҳарларида татар мўйқалам усталарининг кўргазмалари ташкил этилди. У радио ва телевидение орқали кенг тарғиб қилинди.

Марказимиз Республика байналмилал маданият маркази доирасида ҳам самарали фаолият олиб бормоқда. Бошқа миллий-маданий марказлар билан мустиқиллик алоқалар ўрнатганмиз. Барчамиз ҳамкорликда, ҳамфикрликда халқларимизнинг маънавий, маданий аъёнларини, айтиши мумкинки дунёга намоён этиб келаямиз. Бундан юз йил аввал Ўзбекистонда 70 миллат вакиллари яшаган бўлса, бугун бу рақам 130 дан ортиб кетган. Шунинг ўзидек серкўш бу заминда халқлар дўстлиги қозонда эмас, амалда барқарор эканлигига ёрқин далилдир.

Мустиқилликнинг 9 йиллигини нишонлашга татар маданий-оқартув жамоатчилиги маркази ҳам катта тайёргарлик кўрмоқда. Барча ижодий кучларимиз, сый-ҳаракатларимизни миллий маданиятимизнинг қанчалар ривожлангани, тенглар

би бу байрамни янада файзли бўлиши учун ўз ҳиссасини қўшишга қизгин ҳозирланмоқда. Улар доимий равишда Наврўз шодиёналари, татар миллий байрами бўлган «Сабантўй»ни ўтказишда иштирок этиб келаётганини айтиб ўтиш қифоя.

Татарларнинг урф-одатлари, аъёнлари ўзбек халқи билан жуда уйғунлашиб кетган. Бу уйғунлик, дўстлик ота-боболаримиздан бизга мерос қолган, тарих саҳифаларида ўз аксини топган.

Режаларимиз бисёр. Уларнинг биринчиси тинчликда, ҳамжиҳатликда, фаровонликда яшашимиз учун ҳаммиса ўзбек халқи билан елкама-елка туриб меҳнат қилишдир. Бу ниятларимизни амалга оширишнинг биринчи қафолати — Ўзбекистон Республикасининг Мустиқиллигидир!

Р.ЮСУПОВ,
татар маданий-оқартув жамоатчилиги маркази бошқаруви раиси.

ЎЗБЕКЛАРДАН ФАҚАТ ЯХШИЛИК КЎРДИМ

Ўзга юртлардаги қариндош-уруғларим, дўстларим билан мулоқот қилганимда улар: хўш, Ўзбекистонда яшаб нима кўрдинг, нимага эришдинг қабилдаги саволларни беришди. Шунда иккиланмай инсоний бахт, юксак қадр тоғдими, дея жавоб бераман. Биз — Ўзбекистонлик немислар ҳалқ меҳнатимиз, эзу интилишларимиз билан Ватан бойлигига бойлик қўшиш, мустиқилликни мустиқиллашга астойдил бел боғлаганмиз. Ўзим неча йил яшаган бўлсам, бағрикенг, меҳнатсевар ўзбеклардан фақат яхшилик кўрдим. Қийналган кезларимда оғани бўлиб кетган турли миллат кишилари мадддор бўлишди.

Инсон ҳаёти, турмуш тарзи у қайси миллат эгаси бўлишидан қатъи назар ўзи яшаб турган замин, халқ билан ҳамбарчас боғлиқ бўлади. Қалбдан ҳис қиламан, ўзбекистонлик немислар жаннатмакон ўлкага, унинг одамларига шу қадар меҳр қўйишгани, бунга барча ҳавас қилса арзийди. Ўзимиз ҳам кам бўлмаганмиз. Миллий урф-одатларимизни ривожлантириш учун барча имконият яратилган. Биласизки, немислар ҳунарманд, режали, мақсад сари дадил интиладиган кишилар бўлишади. Уларнинг кўпчилиги устоналарда, фермер хўжалиқларида ҳаёлий меҳнат қилмоқдалар.

Урни келганда юрагимдаги бир гапни зўр миннатдорчилик ила таъкидлайман: Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати ўзга миллатларнинг миллий манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳамда миллатлараро ва конфессиялараро тоғувлик ҳолатини кишилар онига тобора қуқурроқ синдириш сиёсатини изчил олиб бормоқда. Зеро, бу сиёсат Конституцияда ҳам ўз ифодасини топган. Ва яна энг муҳим нарсалардан бири мамлакатдаги тинчлик хотиржамликдир. Миллатлараро ҳамжиҳатлик барқарорлик омили эканлигини ҳаммамиз чуқур ҳис қилмоқдамиз.

Нелла КНАУЭР,
Республикадаги «Видергсбург» немис миллий-маданий маркази бошқаруви аъзоси, тарих фанлари номзоди.

Ватанимиздаги барча миллатлар ҳаётига оид ўзига хосликни сақлаб қолиш катта аҳамиятга эга. Ҳозирги даврда республикамизда 100 дан ортиқ миллий-маданий марказлар тузилган. Мазкур марказларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш учун 1992 йил 13 январда Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилган.

ШУ ЗАМИНГА МЕҲРИМ ПАЙВАСТА

Йиллар ва йўллар. Улар бир-бирига нақадар туташ, саналарга бой. Кўпинча бир мушоадада ўйлатиб қўяди: Мустиқиллик менга нима берди? Мушоадада юритсам бу савол атрофида кўп гапириш мумкин. Аммо энг муҳими, мустиқиллик ўзлигимизни танитишга халқаро имкон берди.

Узлик бу — энг аввало, инсоннинг ўз-ўзи, авлод-аждодини, ота-боболарини, насл-насабини чуқур билиши, ўз она тилини, ўз динини, азиз-авлиёларини, эл-юртининг удум

ва аъёнларини, маросимларини, урф-одатларини пухта ўзлаштириб олиши, қон-қонига сингдира билиши демак. Биз илгари жаҳон тарихини, бошқа миллатларнинг тарихий шахсларини яхши билганмиз, аммо ўзимизнинг Тўлейдек бобомиз борлигини, унинг қабри она Тошкентимизда, яна бир улугимиз Шайхонтоҳур бува қабри ёнида эканлигини афсуски, шу пайтгача билмаганмиз. Ваҳоланки, туркийларнинг бир бўғини

бўлган қозоқ миллатининг миллат бўлиб, улуг халқ бўлиб бирлашишида, эл озоқлигини таъминлашда уларнинг хизматлари беқиёсдир. Бугунги кунда улуг бобокалонларимиз ётган макбара қайта таъмирланди, зиёратгоҳ жой бўлиб қолди. Табаррук номлари авлодлар қалбидан муносиб жой олди. Тошкент туманидаги ширкат хўжалиқларидан бирига ана шу табаррук инсон номи берилганлиги жуда улуг иш бўлди.

Ўзбекистонда яшаб, меҳнат қилиб, унинг буюк келажига йўлида ўз ҳиссасини қўшиб келаятганлар орасида қозоқ миллатига мансуб кишилар ҳам оз эмас. Биз мустиқиллик йилларида амалга оширилган ўзгаришлардан хабардор ва бевосита улкан бунёдкорлик ишларининг ҳам гувоҳи, ҳам иштирокчимиз.

Ортимизда яшаётган ҳар бир миллат ва элат вакили ўзини шу юрт фарзанди деб билиши ҳамда бир аҳил оила фарзандларидек эркин яшашлари учун ҳамма шароит муҳайё. Боз устига, ҳақ-ҳуқуқларимиз бош Қомусимиз — Конституцияда қафолатланган. Биргина ўрта Чирчиқ туманида 11 та мактабда қозоқ тилида дарс ўтилади. Хуллас, ҳар қайси миллат фарзандларига ўз она тилларини, аъёнларини пухта ўзлаштириш имконияти яратиб берилган. Яна бир нарсага алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Барча шаҳар ва

туманларимизда вилоят бўйича Ўзбекистон Республикаси Қозоқ миллий маданий марказининг бўлимлари иш олиб бормоқда. Мен, раислик қилаётган Оқтепа қишлоқ фуқаролар йиғинида 16 га яқин миллат вакиллари яшаб, меҳнат қиладилар. Улар бир-бирлари билан кадрдонлашиб, қуда-қудагай бўлиб кетишган. Бу нақадар ажойиб!

Ю.ОЙМУРЗАЕВ,
Тошкент вилояти Қозоқ миллий-маданий маркази раиси.

ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ



ДЎСТЛАРИМ – СУЯНГАН ТОҒЛАРИМ

Ўзбекистон ва Польша халқларининг дўстлик ришталари узок даврларга бориб тақалади. Бу жаннатмакон ўлкада ҳар бир киши, миллати ва диний эътиқоди қандай бўлишидан қатъи назар, озод ва эркиндир. Хурлик бор жойда эса инсон ўз салоҳиятини тўлиқ ишга сола олади. Айниқса, маънавийатимиз қадрланаётганлиги, барча миллат вакиллари ҳамкору ҳамжихат яшаётганлиги жамият ҳаётида ҳар ким ўз ўрнига эга эканлигини кўрсатади.

Бундан бир неча йил илгари Республика Байналмилал Маданият Марказида Баечна, яъни полякчада «эртаклар шаҳри»нинг ташкил этилганлиги халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ерда Ўзбекистон фарзандлари сифатида рус, поляк, корейс, немис, грузин, болгар, белорус, озарбайжон, татар, яҳудий ва бошқа миллат вакиллари ўз маданий илдиэларидан қувват олиб, ёшларни она юртга муҳаббат руҳида тарбиялашда баҳоли қудрат қатнашмоқдалар. Шу азиз Ватан — барчамизники. Ўзбекистонлик полякларнинг «Светлица польска» маданий марказининг расаси пан Ирэна Тагеванининг хизматларини алоҳида таъкидлагим келади. Икки халқ дўстлигини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистоннинг «Дўстлик» ҳамда

Польшанинг «Серебряный крест» («Кумуш хоч») орденлари билан таъдирланган. «Серебряный крест» маданий маркази Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек туманидаги Хумоюн маҳалласи билан алоқаларини алоҳида таъкидлаш жоиз. У ерда ўтказилаётган хайрли тадбирларда мунтазам иштирок этаётганлигимиз бизни ниҳоятда қувонтиради. Польша халқининг миллий ва диний байрамида барча миллатлар қаторида ўзбекларнинг ҳам иштирок этиши халқларимизнинг жипслигидан далолатдир. Хуллас, инсон эркинлиги, унинг қадри-қиммати ўрнига қўйилганлиги жамиятдаги ўзаро тоувликка, яқдил мақсадга, Ватанини сидқидилдан севиш каби муқаддас туйғуларга чамбарчас боғлиб кетади. Бундай юксак даражадаги ҳамжихатлик тинчлик ҳукмрон бўлган мамлакатдагина юзга келади. Мутақиллик бизга ана шундай имкониятларни

берди. Шунинг учун ҳам Истиклол байрами энг муқаддас байрамдир. Ўзбекистоннинг барча фуқаролари каби биз — поляклар ҳам бу кунни зўр хурсандчилик билан нишонлаймиз.

Павел БОРИСОВ-РЕГУРЕЦКИЙ, «Светлица польска» поляк миллий-маданий маркази бадий раҳбари.

Республикамиздаги оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ҳам аҳоли миллий таркибини рангбаранг эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Ўзбекистон матбуоти 7 тилда: ўзбек, рус, қорақалпоқ, тожик, қozoқ, инглиз, корейс тилларида чоп этиладиган нашрларга эга.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач республикамизда этник-сиёсий ривожланиш, ўзликини англаш кенг қўлам касб этди. Бугунги кунда давлатимизда кўплаб миллат вакиллари тинч-фаровон ҳаёт кечираётдилар. Тўйларимиз, маъракаларимиз доим бирга ўтади. Истиклол байрами энг катта, энг азиз шодиёнадир. Наврўз ҳам ўз миллий байрамимиздек бўлиб кетди.

КУЧ

уруғлари, олма кўчати ва винобоп узум қаламчаларини экиб кўпайтириш-

ҚУДРАТИМИЗ — БИРЛИКДА

ди. Бу эса ўлкамизда деҳқончилик маданияти юксалишига ижобий таъсир кўрсатди. Ўзбек ва болгар деҳқонлари бир-бирларидан кўп нарса ўргандилар. Асримизнинг 50-60-йилларида ўзбекистонлик кишлоқ хўжалик хошидилари тажрибаларни ўртоқлашгани Болгарияга боришгани каби, у мамлакатдан ҳам ўнлаб етук мутахассислар республикамизга келдилар. Улар Боёвут ва Оққўргон далаларида пахта етиштириш ҳамда уни қайта ишлаш сирларини ўргандилар.

Тошкентда 1966 йили рўй берган тузилма оқибатларини тугатиш учун Болгария вакиллари ҳам пойтахтимизга етиб келдилар. Қардошлар тошкентликларга уй-жай ва бошқа иншоотлар қуришда сидқидилдан ёрдам бердилар. Бунга бир мисол тарихида шаҳримиздаги 9-мактабни келтириш мумкин. Республикада истиқлол шабадаси эсган дастлабки кунларданок болгарларнинг бу юртга меҳри янада ортди. Бу гал асосан ишбилармонлар, тадбиркорлар кела бошлашди. Шулар ҳисобига Ўзбекистонда яшаётган болгарлар сафи кенгайди. Биргаликда олиб борилган ҳамкор-

лик натижасида олиёқув юртли талабалари ва мактаб ўқувчилари компьютерлар билан танишдилар, унда ишлашни ўзлаштирдилар. Шунингдек, ҳамжихатликда замонавий маъмурий бинолар бунёд этилди. Меҳмонхона хизмати, туризм соҳа-



Биз — кўҳна Бухорода яшаётган тожик миллатига мансуб кишилар ҳам турли миллат вакиллари билан ҳамкору ҳамжихат бўлиб, Ватан равақига раванак қўшишга астойдил интилоқдамиз. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни яқдил қўллаб-қувватлаймиз. Ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз: Президентимиз ғўзал юртимизда ҳамаша тинчлик-хотиржамлик бўлиши учун қўлдан келган ҳамма ишни қиляпти. Шу боис эртанги кундан кўнглимиз тинч.

ДОИМО ХУШЁР БЎЛАЙЛИК

Вилоятимиздаги миллий-маданий марказларда чет эллик меҳмонлар билан учрашувлар бўлиб туради. Уларнинг кўпчилиги бизга ҳавас билан қарашади. Мустақиллик йилларида эришилган улкан муваффақиятлардан хайратланишади. Ёшларимизга Ватан олдидаги муносиб хизматлари учун «Дўстлик» ордени билан таъдирланган табарруқ инсонлар билан ўтказилаётган учрашувлар, савол-жавоб кечалари ғоят манзур бўлмоқда. Шунингдек, миллий-маданий марказимизда эҳтиёжманд оилалар, ёрдамга муҳтож яқалғиз қариялар, етим-есирларга совғалар топшириш аънамага айланган.

Хорижий мамлакатлар маданияти ва санъати билан бухороликларни яқиндан таништириш, икки томонлама маданий алоқаларни йўлга қўйиш юзасидан ҳам ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. **Исо РАЖАБОВ, Бухоро вилоятидаги тожик миллий-маданий маркази раиси.**

ОСУДА КУНЛАР ҚАДРИ

Ватан сўзи нақадар улғу! Уни шу азиз юрт — Ўзбекистондан хорижга сафар қилган киши юракдан ҳис этиши мумкин. Қариндошларим, қардонларимнинг аксарияти ўзбек диёрида туғилиб, вояга етди. Жаннатмакон ўлка уларнинг ҳам ватанига айланди. Чунки ўзбек қадрдони билан бирга далада қигит қадаган, гуруч эккан, полиз, сабзавот ва бошқа нэматлар етиштирган, хуллас, халқ хўжалигининг ҳамма жабҳаларида мамлакат равақи йўлида жон куйдираётган корейслар учун бундан ўзгача бахт йўқ.

Республикамиз мустақилликка эришгач биз ҳали тасаввур ҳам қилиб кўрмаган имкониятлар бўлоғи кенг очилганининг шохиди бўлдик. Хусусан, у хоҳ маънавийта, хоҳ ишлаб чиқаришда ёки илм-фанда бўлсин — жуда катта силжишлар рўй берганини бутун дунё тани олиб турибди. Масалан, машинасозлик тармоғини олиб кўрайлик. Ўзбекистон-Корея иқтисодий ҳамкорлигининг ёрқин мисоли бўлган Асакадаги УЗДЭУ қўшма корхонаси доврғини ҳозир ким билмайди, дейсиз. Nexia, Damas, Tiko автомобилларини кўчаларда кўриш дастлабки пайтларда ҳар бир кишида хайрат, фаҳр ҳиссини уйғотган бўлса, айни кунларда бу оддий воқеага айланиб қолди. Мазкур автомобилларни экспортга ҳам чиқарилаётгани, харидорларнинг тобора ортиб бораётгани нақадар қувончли. Яна бир қўшма корхона ёрлиги ос-тида ишлаб чиқарилаётган кўптармоқли телевизор ва магнитофонлар жаҳон стандарти талабларига жавоб бериши билан эътиборга лойиқдир. Шунингдек, ўзбек-корейс қўшма корхонаси — «Samsung»да тайёрланаётган машини хизмат маҳсулотларига юқори баҳо берилаётди.

Корейслар ўзбек халқининг улкан тарихий маънавий ва маданий меросига ҳам юксак эҳтиром билан қарайдилар. Чунки Ибн Сино, Беруний, Алишер Навоий каби ўнлаб алломалар ўз халқни, Ватани шаънини дунё миқёсларига олиб чиққан дурдона асарлар yaratдилар. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, ўтмиши бой халқнинг келажаги ҳам порлоқ бўлади. Биз шундай халқ билан ёнма-ён, елкама-елка, бир мақсад йўлида меҳнат қилаётганимиз, мусаффо осмон остида яшаётганимиздан чексиз бахтиёрмиз.

Людмила ХАН, Тошкент шаҳар корейс миллий-маданий маркази раиси.

Миллатлараро муносабатлар умумий маърифий, маданий эҳтиёжларини қондириш, аҳолининг миллий таркибига мос келадиغان таълим-тарбия тизимини ташкил қилишни тақозо этади. Республикамизда бугунги кунда 9461 мактаб бўлиб, шундан 845 тасида - рус, 595 тасида - қozoқ, 339 тасида-тожик, 66 тасида - туркман ва 63 тасида - қирғиз тилларида таълим берилади. Булар орасида икки ёки уч тилда ўқув машғулотлари олиб борилаётган мактаблар ҳам анчагина. Халқ таълими ва зирлигига қарашли педагогика институтларида қozoқ, рус, тожик тилларида ўқув олиб бориладиган мактаблар учун ҳам мутахассислар тайёрланмоқда.

ҚЎШҚАНОТ СИЗЛАР МЕНГА

Кўш бўлиб учсам самода,
кўшқанот-дўстлар менга,
Бегубор ҳам бағри чексиз
қоинот-дўстлар менга.
Зим-зиё эргайки дўстсиз
ёруғ олам бағрим ҳам,
Тунда ҳам балққай қуёш
боққанда шод дўстлар менга.
Ғам-ла ўртанган юрагим
пурвиқор тоғдек қилур,
Кўрсатиб юз хурмату,
минг илтифот дўстлар менга.
Доимо шодлик ва бахтга
ҳамнафас бўл деб улар,
Заррача дард, ғамни ҳам
кўргай зиёд дўстлар менга.
Мен — Зиёбек барҳаётман
бир умр сизлар билан,
Йўқ, керакмас ҳеч қачон
сизсиз ҳаёт дўстлар менга.
Зиёвуддин ҚЎЗИЕВ.

Тақдир тақозоси билан Украинадан Хоразмининг Кўшқўлирига келиб қолдим. Бу ернинг ажойиб қовуқлари, тарихий обидалари ҳақида эшитгандим. Энг муҳими, иродали, дилқаш, змишқор кишилар борлиги кўнглимга таскин берди. Ўзбек фарзанди Пўлатжон билан турмуш қуришга аҳд қилганимизда юрагимга гулгула тушганди. Аммо дастлабки кунларданок ўз қардонларим орасида юргандек ҳис қилдим ўзимни. Далада ишлаб пахта етиштириш сирларини ўзлаштирдим.

БАХТИМИЗНИ АСРАБ БИЛАЙЛИК

Орадан йиллар ўтди. Бахтим бор экан, шу гўшада туб қўйиб палак ёздим. Пўлатжон билан саккиз фарзанд кўрдик. Барчалари меҳнатсевар, деҳқончиликка илосманд кишилар бўлиб вояга етишишди. Бир кун умрдошим ижарачи бўлиши тақдир этди. Бу барчамизга маълум тушди. Ўзаро шартнома асосида иштиёришимизга 1,5 гектар ер ажратишди. Нима қилсам ҳам ўзимизникида. Сидқидилдан ишладик. Бултўр ҳосилдорликни 40 центнерга етказиб, алмўмай даромад олдик. Шунинг ҳисобидан қурилишлар қилдик, молимиз кўпайди. Хуллас, яхши

ишлаб, яхши яшаймиз. Бу йил ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш орузи-сидамиз. Гоҳо ўйлаб қоламан, дунёнинг кўпгина бурчакларида нотинчлик. Осуда ҳаёт кечириб учун инсон ҳамаша қурашиши, оғоҳ бўлиши керак. Ўзбекистоннинг бугунги муваффақиятлари кимларнидир доврдиратаётгани тайин. Шу боис, хушёрликни янада ошириб, бахтимизни асраб билайлик. Қўлни-қўлга берсак, ҳар биримиз мустақилликни мустаҳкамлашга ўзимизни масъул деб билсак, алмўмай ниятимизга етамиз. **Лариса ПўЛАТОВА, ижарачи, Кўшқўпир тумани.**



Суратда: Навоий вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси ижтимоий хизмати ташкиллаштириш бўйича бошлиқ ўринбосари Йўлдош Шарипов ва Конимех тумани ижтимоий таъминот бўлими мудир Тания Ерваева собиқ жангчи оиласига совғалар топширишмоқда.

С.ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Қўшахфани тайёрловчилар: А. Силеенков, Республика байналмилал маданият маркази директорининг ўринбосари ва «Ишонч» мухбирлари.

● Самога сочилган юлдузлар ●

Мамлакат биллур кубоги мусобакарларининг чорак финалида Каршиннинг «Насаф» жамоаси билан беллашган «Пахтакор» ўйинини кузатар эканман, ҳаёлимда бундан 21 йил муқаддам авиация ҳалокатига учраб, самога сочилган юлдузлар нисол абадиятга дахлдор сеvimли «Пахтакор-79» гавдаланаверади.

... 1979 йилнинг 11 августи эди. Кечкурун радиодан «Динамо» (Минск) — «Пахтакор» ўйини ҳақидаги репортаж берилишини тўрт-беш ишқибоз кўникўшилар кутиб ўтирибмиз. Кулогимиз радиода. Аммо негадир ўйин хусусидаги репортаж ўрнига аллақандай концерт берилди. Ҳайрон бўлдим. Кайфиятимиз бузилди. Эртаси куни мактабдан уйга қайтаётсам, кўшним Мурод ака дабдурустдан кўзларини да ёш билан «Эшитдингми, «Пахтакор» Минскка кетаётган самолётда портлаб кетибди», деса бўладими. Гўё биров устимдан бир челақ муздек сувни куйиб юборгандек сесканиб тушдим.

— Ҳазиллашманг, ака. — Сен билан бир-икки марта ҳазиллашувидим... Тушунсанг-чи, Ан, Фёдоров йўқ энди.

Ҳақиқатан ҳам орадан бир кун ўтгач Ташкент-Минск йўналиши бўйлаб парвоз қилаётган самолёт Днепродзержинск яқинида ҳалокатга учрагани ҳақидаги хабар телевизорда эълон қилинди. «Пахтакор»чилардан Олим Аширов, Михаил Ан, Равил Агишев, Константин Баканов, Сирожиддин Бозоров, Юрий Загуменник, Шўхрат Эшбўтаев, Александр Корченков, Николай Куликов, Владимир Фёдоров, Виктор Чуркин, Владимир Макаров, Сергей Покатилов, Владимир Собиров каби

хисобда мағлубият аламини тотиб кўришга мажбур этганлигини мухлислар ҳамон завқ-шавқ ва армон билан эслашади. Шунинг учун ҳам ҳар сафар айни кун-маҳоратга тўлган чоғла-

ҚАЛЪЛАРДА МАНГУСАН, «ПАХТАКОР-79»!

истеъдодли футболчилар катори мураббий Идгай Таъетдинов, маъмур Мансур Толибжонов, шифокор Владимир Чумаковлардан, шундай қилиб, айрилиб қолган эди.

Мухлисларга яхши маълумки, «Пахтакор» ўз тарихи мобайнида икки бора кўтарилган даврини бошидан кечирган. Дастлаб 1962 йили собиқ иттифок чемпионатида 6-ўринни эгаллаган жамоага кейинчалик, 1973-74 йиллардан эътиборан халқимизнинг сеvimли ўйинчилари — Б.Абдураимов, Г.Красницкий, А.Азизхўжаев, Х.Раҳматуллаев, И.Тазетдинов, С.Стадник, О.Моторин, Ю.Пшеничников, Б.Суноновларга муносиб издош сифатида М.Ан, В.Фёдоров, В.Хадзипанасис, С.Покатилов, Қ.Баканов, А.Корченков каби келажаги порлоқ, ёш футболчилар кириб келишган, муносиб ўйинлар намойиш қилишга тўғри келди. Гарчи «Пахтакор-79» ўз тарихида 6-ўринни эгаллаб олмаган бўлсада, айнан 1979 йилги мавсумни кўтаринки руҳда бошлаганлиги, сўнги тўрт ўйиннинг барчасида галаба қозонганлиги, 1975 йилда эса машҳур «Динамо» (Киев)ни икки бора, 5:0 ва 1:0

аниқ зарбага эга бўлган Олим Ашировнинг рақиблар дарвозаси томон уюштирган қутилмаган ҳужумлари эса аксар ҳолларда гол билан якулланарди.

20 ёшда бўлишига, олий лигада илк мавсумни ўтказётганига қарамай ҳужумчи Шўхрат Эшбўтаев аллақачон ўзининг ажойиб дриблинглари билан ишқибозлар ёқимтойига айланиб улгурган эди. Агар унинг ҳаёт гули бунчалик тез сўлмаганида кейинчалик ундан иккинчи ўзбек Абдураимови чиқиши муқаррар эди.

... Беҳизга мен юқорида «Пахтакор» - «Насаф» ўйинини эсламадим. Чунки жамоага бугун айнан «Пахтакор-79» футболчилари етишмаётгандек туюлди. Аслини олганда орадан ўтган 21 йил мобайнида «Пахтакор» ҳаётда юлдузли онлар кўп бўлган. Миллий чемпионатимизда жамоа икки бора чемпионликни қўлга киритиб, ҳатто биллур соврин соҳиби бўлди. Шу йиллар ичида Игорь Шквирин, Миржалол Қосимов, Азамат Абдураимов, Павел Бугало, Андрей Аюпьянц сингари моҳир футболчилар етишиб чикди. Бирок, мухлислар ҳамон чуқур ҳаяжону ширин энтиқиш билан «Пахтакор-79»ни эслашади. Зотан, «Пахтакор-79»нинг ҳали очилмаган қирралари, забт этмаган чўққилари кўп эди. Бу самога сочилган ўн етти юлдузнинг армонга айланган орзуси эди.

Химия чизигининг «қироли» хисобланган, кучли ва

аниқ зарбага эга бўлган Олим Ашировнинг рақиблар дарвозаси томон уюштирган қутилмаган ҳужумлари эса аксар ҳолларда гол билан якулланарди.

20 ёшда бўлишига, олий лигада илк мавсумни ўтказётганига қарамай ҳужумчи Шўхрат Эшбўтаев аллақачон ўзининг ажойиб дриблинглари билан ишқибозлар ёқимтойига айланиб улгурган эди. Агар унинг ҳаёт гули бунчалик тез сўлмаганида кейинчалик ундан иккинчи ўзбек Абдураимови чиқиши муқаррар эди.

... Беҳизга мен юқорида «Пахтакор» - «Насаф» ўйинини эсламадим. Чунки жамоага бугун айнан «Пахтакор-79» футболчилари етишмаётгандек туюлди. Аслини олганда орадан ўтган 21 йил мобайнида «Пахтакор» ҳаётда юлдузли онлар кўп бўлган. Миллий чемпионатимизда жамоа икки бора чемпионликни қўлга киритиб, ҳатто биллур соврин соҳиби бўлди. Шу йиллар ичида Игорь Шквирин, Миржалол Қосимов, Азамат Абдураимов, Павел Бугало, Андрей Аюпьянц сингари моҳир футболчилар етишиб чикди. Бирок, мухлислар ҳамон чуқур ҳаяжону ширин энтиқиш билан «Пахтакор-79»ни эслашади. Зотан, «Пахтакор-79»нинг ҳали очилмаган қирралари, забт этмаган чўққилари кўп эди. Бу самога сочилган ўн етти юлдузнинг армонга айланган орзуси эди.

Химия чизигининг «қироли» хисобланган, кучли ва

ФАХРИЙЛАР ЭДНОМАСИ

Ҳар йили мамлакатимизда 11 август куни «Пахтакор-79» хотирасига бағишлаб қатор тадбирлар ўтказилади. Анъана тусини олган «Хотира» турнири бу йилдан бошлаб халқро миқёсда ўтказилади бўлди.

Ушбу футбол бўйича фахрийлар ўртасидаги илк Халқаро турнир Республика футбол Федерацияси, М.Ан номидаги футболни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда «Пахтакор» жамоаси фахрийлар жамағалари ташаббуси билан ташкиллаштирилди. Шунингдек, мазкур турнир юртимиз ва хориждаги қатор ҳомий ташкилотлар бош қўшдилар. Айни кунларда давом этаётган Украина ва Қозғистон фахрийлар терма жамоалари, Россиянинг ЦСКА клуби фахрийлари ҳамда «Пахтакор» фахрийлар жамоалари қатнашаётган турнирда 70-80 йилларнинг машҳур футбол юлдузлари тўп сурмоқдалар.

9 август куни Ўзбекистон Миллий банки ўйингоҳида бўлиб ўтган турнирнинг тантанали очилиш маросимидан сўнг стадионни тўлдириб ўтирган мухлислар ажойиб футбол томошаларининг гувоҳи бўлишди. Қозғистонлик фахрийлар билан тўп сурган «Пахтакор» 2:1 ҳисобида голиб чиққан бўлса, ЦСКА Украина фахрийлар терма жамоасига 0:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Учрашулар Ангрен ва Жиззах шаҳарларида давом этмоқда.

● Жума ўғитлари ●

Тўртинчидан, агар ташқари чиқса, бирга чиқинг ва камида етти қадам бирга юринг. Бешинчидан, атайлаб ўзи кўрсатиш учун намойишкорона узроҳлик қилманг. Олтинчидан, миннат қилманг, балки аксинча, меҳмон дастурхонингиздан нон еганидан хур-

санд бўлинг ва шукр қилиб, миннатдорчилик билдинг.

Кимки кўрсанг бу жаҳонда ўз ризқин терадир, Хоҳ сенинг уйингда бўлсин, хоҳ ўз айвонида. Сен қарам хонини ёз ҳам шукр қил, парвардигор Берди ошу нон дўстга дўст дастурхонда.

Агар меҳмонга бориш одоб-қоидалари қайси, деб сўрасалар, айтгилки, биринчидан, яхши, ҳалол одамлар уйига меҳмон бўлиб бориш, фосиқ кишилар ҳақини ейдиган ҳаромхўрлар уйига қадам қўймаслик керак, улардан ҳазар қилмоқ даркор. Иккинчидан, шариатга ҳилоф ишлар содир бўладиган мажлисларга бормаслик лозим, аммо агар сенинг хурма-

тинг учун гайри шаръий ишлар тарк этиладиган бўлса, бориш мумкин.

Иккита суннат шуки биринчидан, меҳмонга тақлиф қилганларида, дарҳол қабул қилсин, иккинчидан қандай овқат ёки таомлар тайёрлашни сўрамасин.


Ўн одоб қайси, деб сўрасалар, айтгил: биринчидан, меҳмонга борганда мезбондан олдинда юрмаслик, иккинчидан уйга етганда ўнг оёқ билан кирсин, учинчидан, уйга кирганда салом берсин. Тўртинчидан, қайси жойни кўрсатсалар, ўша жойга бориб ўтирсин. Бешинчидан, ўнг-сўлга ва юқорига ёки пастга ҳадеб қарамасин. Олтинчидан, мезбон хурсанд бўлгунча таомдан есин. Еттинчидан, ўз олдидаги таомни у ёқ-бу ёққа кўтариб қўймасин. Саккинчидан, таомни егандан кейин зудлик билан турсин. Тўққизинчидан, таомдан кейин шукрона айтиб, уй эгасини дуо қилсин. Учинчидан, ташқарига чиққандан кейин шукр қилсин, аммо шикоят қилмасин.

Форс-тоҳиж тилидан **Н.КОМИЛОВ** таржимаси.

Агар олтига одоб қайсидир, деб сўрасалар, айтгил: аввал шуки, меҳмондан қайси таомни ёқтирасиз, деб сўраманг: Иккинчидан, меҳмон учун ўзингиз хуш кўрган энг яхши овқатни пиширинг. Учунчидан, овқат ейишга ҳадеб зўрланманг.


Агар олтига одоб қайсидир, деб сўрасалар, айтгилки, биринчидан, яхши, ҳалол одамлар уйига меҳмон бўлиб бориш, фосиқ кишилар ҳақини ейдиган ҳаромхўрлар уйига қадам қўймаслик керак, улардан ҳазар қилмоқ даркор. Иккинчидан, шариатга ҳилоф ишлар содир бўладиган мажлисларга бормаслик лозим, аммо агар сенинг хурма-

Ўзбекистон Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси



Шармоқ ходимлари ҳамда мамлакатимиздаги барча бунёдкорларни касб байрами — Қурувчилар кунин билан мубофракбод этади.

Азиз Ватанимизни гўллаб-яшнашиш йўлидаги эзгү ишларида муваффақиятлар тилайди.



**ХУР ЎЗБЕКИСТОНИМИЗДА
ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК
ҲАМИША БАРҚАРОР
БЎЛСИН!**



ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:

Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов,
М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-
«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими
56-85-43; Реклама,
эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан
чиқа бошлаган

Маъмурият: 700165, Тошкент, шаҳри, «Бухоро»
кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот
қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган.
ИВМ компьютеридан терилди ва сақидланди. Өфсет усулида
босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Умумий алади
14.002 нуска. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
босмаханаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш
вақти - 21.00